

Талантли ёзувчи Ўткир Хошимов 1941 йили Тошкентда ишчи оиласида тугилди. У ўрта мактабни битиргач, 1959—1964 йиллар Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факултети журналистика бўлимида таълим олди. Уткир Хошимов «Тошкент хакикати», «Срвет Ўзбекистони», 1966 йилдан «Тошкент окшоми» рўзномаси мухарририясида бўлим мудири, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош мухаррир ўринбосари вазифаларида ишлади. Хозирги кунда «Шарк юлдузи» ойномасининг бош мухарриридир.

Ўткир Хошимов ўз ижодини шеър ва очерклар ёзишдан бошлади. Унинг биринчи очерклар тўплами 1962 йилда «Пўлат чавандоз» номи билан нашр этилди. Сўнгра «Чўл хавоси» (1963), «Одамлар нима деркин...», «Шамол эсаверади», «Бахор кайтмайди» (1970), «Калбингга кулок сол» (1973), «Узун кечалар» (1975), «Нимадир бўлди» (1976), «Куюш тарозиси» (1980), «Дунёнинг ишлари» (1982) хикоя ва кичиклар тўпламлари ҳамда «Нур борки, соя бор» (1979), «Икки эшик ораси» (1986) романи босилиб чиқди. Хозирги кунда унинг «Уйкудаги тушлар» романи «Шарк юлдузи» ойномасида босилмоқда. Унда шахсга сизиниш ва катагонлик даври иллатлари хақида хикоя килинади. 1974 йили эса «Бировнинг ташвиши» номли психологик драмасы сахналаштирилди.

Бундан ташқари, Ўткир Хошимов Ўрта Осиё республикаларининг катор театрларида намоёиш килинган «Тўйлар муборак», «Сиздан угина, биздан бугина» каби пьесаларнинг муаллифидир.

Ўткир Хошимов Э. Хемингуей, К. Симонов, А. Куприн, О.Бергголтс сингари ёзувчилар асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Асарлари қардош халқлар ва хорижий тилларга таржима қилинган.

Ижодкор 80-йиллар публитсистикаси ривожига салмоқли хисса қўшган адиблардан биридир. Унинг одоб-ахлоқ, маънавий олам, миллий қадриятлар, шўро даври адолатсизликларини дадил ёритган очерк ва телекурсатувлари бу даврнинг баркамол медаларидир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991) Ўткир Хошимов «Дунёнинг ишлари» кичикаси учун Ойбек номидаги (1982) ҳамда «Икки эшик ораси» романи учун Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти (1986) сазовор бўлган.